

Абдуллаева Ш.Ш.

Холмаматова Л.А.

ПЕДАГОГИКА

(Олий ўқув юртларининг талабалари учун ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ - 2005

Тузувчилар: Абдуллаева Шамсенур Шавкатовна,
Холмаматова Лола Аманкуловна.

Педагогика. Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланм. /
Абдуллаева Ш.Ш. Холмаматова Л.А., ТАҚИ, 2005. - 139 б.

Ўқув қўлланмада педагогика фанининг асосий тушунчалари,
таълим ва тарбия жараёнининг хусусиятлари, усуллари, тамойиллари очиқ
берилган. Ўқу қўлланма қўлланма олий ўқув юртлари талабалари учун
мўлжалланган.

“Касбий педагогика” кафедраси

Такризчилар: п.ф.д., проф. Сейтхалилов Э.А.
п.ф.н., доц. Сулаймонов А.П.

I ҚИСМ

ПЕДАГОГИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

1 боб. Педагогика – тарбия ҳақидаги фан

Педагогиканинг вужудга келиши ва ривожланиши

Педагогика ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш тўғрисидаги фандир. Кишилиқ жамияти тараққий этиши билан у ҳам ўсиб боради.

Кишилиқ жамияти пайдо бўлиши билан одамларнинг меҳнат фаолияти жараёнида уларнинг ишлаб чиқариш тажрибалари, меҳнат малакалари пайдо бўлди ва улар ўзгариб, орта борди, уларда турли меҳнат қуролларини ишлата билиш кўникмалари ҳосил бўлди ва бу қуролларни такомиллаштириш қобилияти, нутқ ва тафаккур ўсиб, ривожланиб борди. Кекса авлод меҳнат жараёнида орттирган тажрибаси асосида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам меҳнатда иштирок этишга ўргатди. Шундай қилиб, тарбия кишилиқ жамияти амалий эҳтиёжининг объектив заруратидан келиб чиқди, шу жамият билан бирга ривожлана борди.

Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида кишилар орттирган тажрибаларнинг бойиб бориши билан, табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳақидаги билимларнинг орта бориши билан меҳнатда орттирган тажрибаларни ёш авлодга ўргатиш жараёни ҳам мураккаблашиб борди. Тарбия моҳирлик ва ишнинг кўзини билишни талаб этди. Тарбияни амалга ошириш жараёнини англаш ва бу соҳадаги тажрибаларни ўрганишга эҳтиёжнинг туғилиши натижа педагогика фани юзага келди.

Педагогиканинг номи **бола етакловчилик** деган маънони билдирувчи грекча **пайдагогос** сўзидан келиб чиққан. Қадимги Юнонистонда ўз хўжайинининг болаларини мактабга олиб бориб қўйиш ва йўлда уларнинг китоб ва бошқа ўқув асбобларини кўтариб юриш иши топширилган қул педагог (сўзма-сўз таржимаси — бола етакловчи) деб аталган. Кейинчалик эса махсус ўқитилган, педагогликни касб қилиб олган кишиларни педагог деб атай бошладилар.

Болалар ва ёшларни тарбиялаш тўрисидаги фан сифатида пайдо бўлган педагогика тарбия ишининг чегаралари ва жамият ҳаётида субъектив омилларнинг таъсир доираси кенгайган сари тобора кўпроқ ҳамма ёшдаги кишиларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фанга айланди.

Педагогика фанининг мақсади ва вазифалари

Республикада педагогика фаннинг асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий шароитда бозор ислоҳоти, миллий-маданий ва анъанавий хусусиятлар, маънавий-ахлоқий ва илмий меросимиз, умуминсоний қадриятларни ҳисобга олган ҳолда узлуксиз таълим тизими (УТТ) да энг муҳим фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг истиқболини олдиндан белгилаш ва ишлаб чиқишдан иборатдир. Кўрсатилган мақсаднинг амалга ошуви жамиятни ривожлантириш ва бош муаммони ечишга қодир бўлган баркамол шахсни шакллантиришга хизмат қилади.

Педагогика фанининг вазифалари:

- узлуксиз таълим тизими фаолиятининг методологик ва назарий асосларини ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим тизими (УТТ)нинг давлат, жамият ва шахснинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий - ахлоқий тараққиётидаги аҳамияти ва ўрни, бурч ва вазифаларини аниқлаш;
- жамиятнинг ижтимоий талаблари ва шахс эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунининг энг қулай тамойиллари, мезонлари, механизмларини аниқлаш;
- ўқув-тарбиявий жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъмин этадиган давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълимни, унинг илмий-амалий йўналишини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосида келажак авлодни ўқитиш, тарбиялаш, камол топтиришга қаратилган илмий педагогик

технологияларнинг замонавий усул ва усуллари излаб топиш ва амалда жорий этиш;

➤ таълимнинг ва таълим олувчиларнинг тайёргарлиги сифатини назорат қилишнинг ишончли, бир маромга келтирилган тизимини ишлаб чиқиш;

➤ келажак авлодни бой маънавий ҳамда илмий мерос ва умуминсоний қадриятлар асосида камол топтиришнинг таъсирчан тарбия тизимини яратиш;

➤ ҳақиқий фуқаро, ватанпарвар, байналмилал, меҳнатсевар, маънавий ва жисмоний баркамол инсонни тарбиялашнинг самарали шакллари, усул ва воситаларини ишлаб чиқиш;

➤ ёшларни ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда, бозор ва ахборот технологияси ислоҳоти даврида касб-хунар танлашни ташхис қилиш, истиқболини белгилаш ҳамда шароитга мос бўлган самарали ташкилий-услубий шакллари, усул ва воситаларини ишлаб чиқиш;

➤ ил'ор педагогик тажрибаларни, халқ педагогикасининг усул ва воситаларини, шахс камолотига қаратилган миллий-маънавий ва илмий меросини ўрганиш, умумлаштириш ва илмий баҳолаш ҳамда уларни ўқув-тарбия жараёнига киритиш;

➤ иқтидорли ёшларга алоҳида табақалашган касбий таълим бериш, уларнинг ақлий-ижодий имкониятларини тўла ишга солиш мақсадида бундай ёшларни излаб топишнинг психологик-педагогик, ташкилий-услубий асослари ва механизмларини яратиш;

➤ со'лом авлодни шакллантириш мақсадида болалар ривожланишининг биологик ва психологик қонуниятларини аниқлаш, ўқувчилар со'лиги ва меҳнат қобилиятида ақлий ва жисмоний юкламалар таъсир доирасини белгилаш;